

Тил - инсон зийнати

00:00 / 03.03.2017 7575

Тупроқдан инсонни яратиб, унинг сувратини чиройли, бекаму кўст, мўътадил қилиб яратган ва унга нутқ қилиш қобилиятини берган Раҳмон исмли Аллоҳ таолога хамду санолар бўлсин.

«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, бас яхши гапни гапирсин ёки жим турсин», деб айтган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога мукамал салоту саломлар бўлсин.

Аллоҳ таоло инсонни ер юзидаги маҳлуқотлари ичида энг афзали қилиб яратган. Ҳар бир берилган неъматларни агар санамоқчи бўлсак, батаҳқиқ унинг саноғига етолмаймиз. Аллоҳ таоло инсонни тўла-тўқис, мўътадил ва энг чиройли суратда яратганлигини ўз каломи Қуръони каримда очиқ-ойдин баён қилган. Инсонда бўлган буюк неъматлардан бири бу тилдир. Аллоҳ таоло бу ҳақида Қуръони каримда қуйидагича баён қилади.

نيت ففش واناسل و

«(Биз инсонга) тил ва икки лабни (бермадикми)?» (Балад сураси, 9-оят).

Бу ояти карима орқали Аллоҳ таоло инсонга бу икки аъзоларни ўзи ато қилганлигини айтмоқда. Агар ҳар бир инсон ўзининг аъзоларининг ҳаракатига, хизматига ва манфаатларига, жумладан, тилига тафаккур назари билан эътибор қиладиган бўлса, Аллоҳ таоло ҳар бир нарсани ҳикмат билан, беҳудага яратмаганлигига яна бир карра ишонч ҳосил қилади.

«(Аллоҳ) инсонни яратди, унга баённи ургатди».

Ушбу ояти каримадаги баёндан мурод нутқ қилиш, сўзлаш ва ҳоказолардан иборатдир. Нутқ қилиш, баён қилиш қобилияти Аллоҳ таолонинг инсонга берган улкан неъматларидан бири ҳисобланади. Айнан ушбу неъмат билан инсон ўзга жонзотлардан ажраб туради. Бошқа жонзотларнинг овози

асосан тақлидийдир ёки фикрсиздир. Инсон турли товушлардан сўз ясайди, сўзлардан эса жумлалар тузади, жумлалардан нутқ қилади. Баён қилиш, нутқ қилиш неъматининг ўз ҳис туйғуларини, хотираларини, таассуротларини гап оркали ифода қилиш қобилиятидир. Аллоҳ таоло ҳар бир берган неъматини ўз бандасига инъом этган экан, банда ҳам ўзига берилган неъматларини қадрлаб, Аллоҳ таолони рози қиладиган амалларга ишлатсагина унинг шукронасини адо қилган бўлади. Жумладан, инсон тили билан яхшиликка далолат қилувчи маъруф, ҳикматга бой сўзларни гапириб, унинг акси бўлган сўзлардан тилини тийиб ҳаёт кечирса, тилнинг шукрини адо қилган бўлади. Тил билан сўзлаш Исломда шунчалик жиддийки, ҳаттоки инсон бир оғиз сўз билан мўъмин ёки муртад бўлиши, жаннатий ёки дўзахий бўлиши мумкин.

Самовий динларнинг охиргиси барча замонлар ва маконларда инсонни икки дунё саодатига етакловчи сўз жавобгарлигини, яъни Исломда банда тили билан айтган ҳар бир сўзига қиёматда жавобгар эканлигини кўп маротаба таъкидлайди.

Энди ушбу мавзуга оид Қуръони карим оятлари ва Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам томонларидан айтилган ҳадиси шарифлар билан мавзунини янада ёритамиз. Аллоҳ таоло Қуръони каримда қуйидагича баён қилади.

دیتع بېقره یدل الالوق نم ظفلي ام . ديعق لامشلا نع و نيميل اى قلى تي ذ

«Вактики икки кутиб олувчи ўнгда ва чапда ўтирган ҳолларида кутиб олурлар. Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир нозир борлар» (Қоф сураси 17-18 оятлар).

Ушбу икки оятдан маълум бўлишича, ҳар бир инсоннинг икки тарафида икки фаришта жойлашган бўлиб, улар инсоннинг ҳар бир амали ва сўзларини кутиб олади ва улар шунга вакил қилинганликлари учун инсоннинг оғзидан чиққан ҳар бир сўз, ҳар бир амал уларнинг назарларидан четда қолмай дарров ёзиб қўядилар.

Али ибн Аби Талҳа Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қиладиларки, у зот «Бирор сўз айтмас, магар ҳузурида ҳозир нозир борлар» ояти ҳақида: «Ҳар бир яхши ёмон гап ёзиб борилади, ҳаттоки «едим, ичдим, бордим, келдим, кўрдим» кабилар ҳам. Пайшанба куни унинг амаллари ва гапи арз қилинади, яхшилиги, ёмонлиги бори қолади, қолгани ташлаб қолдирилади», деган эканлар.

Шунинг учун ақл эгаси бўлган ҳар бир киши гапиришдан олдин ақл тарозусида тортиб, гапирганда гуноҳкор бўлмаслик эҳтимоли бўлса, гапириши керак, бўлмаса сукут сақлаши, жим туриши афзал ҳисобланади. Аллоҳ таоло Қуръони каримнинг Бақара сурасидаги 83-оятда шундай марҳамат қилади.

انسح سانل اولوق و

«Одамларга яхши гаплар айтинг».

Ушбу оятдаги яхши гаплардан мурод яхшиликка буюриш ва ёмонликдан кайтариш, муомалада юмшоқ табиатли ва кечиримли бўлиш, шу билан бирга яхши сўзларни сўзлашдан иборатдир. Аллоҳ таоло Қуръони каримда яна қуйидагича марҳамат қилади:

م ي ل ح ي ن غ ه ل ل و ا ذ ا ا ه ع ب ت ي ة ق د ص ن م ر ي خ ة ر ف غ م و ف و ر ع م ل و ق

«Яхши сўз ва кечириш ортидан озор келадиган садақадан яхшироқдир ва Аллоҳ Ғаний ва Ҳалийм Зотдир» (Бақара сураси, 263-оят).

Ушбу ояти каримада бировга миннат қилиб ва озор бериб садақа ёки эҳсон қилгандан кўра ширин сўзли ва кечиримли бўлиш яхшироқ эканлигининг баёни келмоқда. Чунки инсон миннат қилиб берган садақасидан савоб олмайди, лекин қалбга малҳам бўладиган ширин сўзи учун савоб олади. Бу билан Исломда оғиздан чиқадиган ҳар бир сўз қанчалик аҳамиятли эканлигини биласиз.

ناك نم : لاق م لس و ه ي ل ع ه ل ل ا ي ل ص ي ب ن ل ا ن ع ه ن ع ه ل ل ا ي ض ر ة ر ي ر ه ي ب ا ن ع و
(ة برأل ا ه و ر) ت م ص ي ل و ا ر ي خ ل ق ي ل ف ر خ آ ل م و ي ل ل و ه ل ل ا ب ن م و ي

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхшиликни гапирсин ёки жим турсин», дедилар.

Ушбу ҳадиси шарифга чуқурроқ эътибор қиладиган бўлсак, Аллоҳ таолога иймон келтирган ҳар бир мўмин эркак ёки мўмина аёл «Мен Аллоҳга иймон келтирганман, қалбимда иймоним бор» деб даъво қилса, бас қачон бир гапни гапирмоқчи бўлиб, у яхшиликка далолат қилувчи гап бўлса, ана ўшандай пайтда гапириши кераклиги ёки унинг акси бўладиган бўладиган бўлса, жим туриши лозимлиги таъкидланмоқда. Чунки ҳадисда ل ق ي ل ف

сўзи буйруқ маъносида келмоқда. Яъни яхши гапни гапиришга қодир бўлмаса, ёмон, қабиҳ гапларни гапириб гуноҳқор бўлгандан кўра, гапирмасдан жим туриш афзал ҳисобланади. Шунинг учун ҳам тилни тийиб, жим туриш юксак фазилат ва гўзал одоб бўлганлигидан, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу амалга буюрмоқдалар.

Халқимизда «Тилиннга эрк берма», «Бир гапдан колсанг, ютасан», «Инсоннинг бошига келадиган бало тилидандир», «Билдим дединг тутилдинг, билмадим дединг қутулдинг» каби тилга оид бир қанча мақоллар мавжуд бўлиб, буларнинг асл негизи динимиз таълимотига бориб тақалади.

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни машҳур саҳобийлардан бирлари Абу Зарр Ғифорий розияллоҳу анҳуга насиҳат қила туриб, шундай деганлар:

(دمحا هاور). كنيدي رما ىلع كل نوع و، ناطيشلال ةدرطف هناف، تمصلال لوطب كىلع

«Сен ўзинг учун (кўпроқ) жим туришни лозим тутгин, чунки жим туриш шайтонни қувувчи ва сенга дининг ишида ёрдамчидир», дедилар.

Бу ҳадисдан ёмон гап гапиришнинг ўрнига сукут сақлаш инсон учун қанчалик яхши фазилат эканлиги, икки дунёда саодат келтиришини билиб оламиз. Чунки икки киши оғзаки жанжаллашса, улардан қайси бири оғир бўлиб сукут сақласа, Аллоҳ таолонинг ҳузуридан уни ҳимоя қилиш учун бир фаришта нозил бўлади, акс ҳолда иккаласи ҳам жанжаллашса, шайтон ҳозир бўлади. Сўзимизнинг исботини қуйидаги ривоят қилинган ҳадисдан ўрганамиз.

و هيلع هللال ىلص هللال لوسر امنيب: لاق هنع هللال ىضر بيسملا نب ديعس نع هاذام، ركب وبأ هنع تمصف هاذاف ركب ىبأ لجر عوقو هباحصا ىف سللاج ملس ماقف هنع هللال ىضر ركب وبأ رصتنف، ةثلاثلا هاذام، هنع تمصق ةيناثلا هللال لوسر اي ىلع تدجوا ركب وبأ لاقف، ملس و هيلع هللال ىلص هللال لوسر و كلملل بهذ ترصتنإم لف، لاق امب هبذكب ءامسلل نم كل مازن كل و ال لاق (دواد وبأ هاور). ناطيشلال دعقف اذال سلجال نكال مل ف ناطيشلال دعق

Саъид ибн Мусаййиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз саҳобалари билан суҳбат қуриб ўтирган эдилар. Суҳбатда ҳозир бўлганлардан бири Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуга озор берди (бошка

ривоятда – сўқди). Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху эътибор бермасдан жим ўтиравердилар. Ҳалиги одам у кишига иккинчи марта озор берди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху яна жим ўтиравердилар. Кейин учинчи марта озор берганда Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг ғазаблари чиқди-да, унга жавоб бердилар. Шунда Росулulloх соллаллоху алайҳи васаллам бирдан ўринларидан туриб, жўнаб қолдилар. Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анху у зотга мурожаат қилиб: «Мендан аччиғингиз чиқдими, эй Аллоҳнинг Росули?» деб сўрадилар. У зот «Унинг сенга айтган гапининг ёлғонлигини билдириш учун осмондан фаришта тушган эди. Қачон сен унга жавоб қайтарганигда фаришта кетиб, ўрнига шайтон ўтириб олди. Шайтон ўтирган жойда мен ўтира олмас эдим», дедилар.

Бу ҳадисдан тилни тийиб, жим туриш юксак фазилат эканлигини билиб оламиз. Албатта бундай фазилатли амалдан ҳар бир киши бебахра қолиши керак эмас. Ўтган улуғларимиз ҳаётларининг ҳар бир жабҳасида бизга ана шундай ибрат бўлганлар. Мўмин банда беҳуда сўзлардан тилини тийиши керак. Бу ҳақда Аллоҳ таоло Қуръони каримда қуйидагича баён қилади:

نوضعم وغللنا نعمة مني ذللا و نوعشخ مهتالصى ف مة ني ذللا نونوموللا حل ف اءق
نولع ف ةوكزللا مة ني ذللا و

«Батаҳқиқ, мўминлар нажот топдилар. Улар намозларида хушў қилувчилардир. Улар беҳуда нарсалардан юз ўгиргувчилардир. Улар закотни адо қилгувчилардир» (Мўминун сураси, 1-3-оятлар).

Аллоҳ таоло ушбу оятлар орқали мўмин бандаларини аниқ нажотга эришишларини хабар қилмоқда, лекин бунга баъзи бир амалларни боғлаб, уларни адо қилиш шартини ҳам айтмоқда. У ҳам бўлса мавзуимизга оид «Улар беҳуда нарсалардан юз ўгиргувчилардир», дейилмоқда. Беҳуда нарсалардан мурод беҳуда, кераксиз сўз, беҳуда иш, беҳуда фикр, умуман мўмин киши қилса, савоб олмайдиган ишлардир. Тилни беҳуда нарсалардан узоқ қилиш, беҳуда сўзларни тарк қилиш нажотга эришишнинг асосий рукни ҳисобланиб, инсонни комилликка етакловчи омил ҳисобланади. Шунинг учун оятларнинг кетма-кет келишига яхшироқ назар ташлайдиган бўлсак, биз ўрганаётган мавзуга тегишли бўлган оят иккита фарз орасида, яъни намоз ва закот зикр қилинган оятларнинг ўртасида келмоқда. Қасос сурасининг 55-оятда Аллоҳ таоло мўмин бандаларини мақтаб, қуйидагича баён қилади:

نوع وغللنا اوعمس اذا و

Азизлар! Бу башоратли хабарга қалб кўзимиз билан, диққат билан назар солайлик. Барчамиз учун, ҳатто ота-онамиз, аҳлу аёл, фарзандларимиздан, молу мулк ҳамда ўз нафсимиздан ҳам кўра кўпроқ яхши кўришга ҳақли зот, охирзамон Пайғамбари, меҳрибон шафоатчимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай мўтабар ваъдани бермоқдалар. Ҳақиқатан ҳам, у зот қиёматгача келадиган ҳар бир уммат учун ўрнак ва намуна бўлишга ҳақли зот ҳисобланадилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гапирганларида чиройли овозда, эшитадиган кишининг қалбига малҳам бўладиган қилиб гапирардилар. У зоти бобаракот гапирганларида шошилмасдан, дона-дона қилиб, ҳаттоки эшитувчи одам санаб улгурса бўладиган даражада гапирар эдилар. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фаҳш сўзларни умуман тилларига олмаганлар. У зоти бобаракотнинг муборак оғизларидан фақатгина ҳикматга бой сўзлар чиққан. Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжаи мутоҳҳаралари, мўминларнинг оналари, у зоти бобаракотнинг муборак хонадонларида хизматда бўлган ходимлари ва саҳобаи киромлар розияллоҳу анҳумлар томонларидан қилинган ривоятлардан маълум бўлишича, Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам уларнинг ҳар бирлари билан фақат ширин сўз билан муомала қилганликлари ривоят қилинади.

حبصا اذا: لاق مجلس و هيلع لال لى لص ى بن ل ن ع ن ع ل ل ل ى ضر دى ع س ن ب ن ع ك ب ن ح ن ا م ن ا ف ا ن ي ف ل ل ل ا ق ت ا ل و ق ت ف ن ا س ل ل ا ر ف ك ت ا ه ل ك ا ض ا ل ا ن ا ف م د ا ن ب ا ف (ى ذ م ر ت ل ا ه ا و ر). " ا ن ج ج و ع ا ت ج ج و ع ا ن ا و ا ن ت م ق ت س ا ت م ق ت س ا ن ا ف

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар: «Одам боласи тонг оттирса, унинг барча аъзолари тилга зорланиб «Бизнинг ҳаққимизда Аллоҳдан кўрқ! Албатта, биз сенга боғлиқмиз. Агар сен тўғри бўлсанг, биз ҳам тўғри бўламиз. Агар сен эгри бўлсанг, биз ҳам эгри бўламиз» дерлар».

Бу ҳадисдан тил инсондаги ҳар бир аъзонинг фаолиятига ижобий ёки салбий томондан жиддий таъсир этиши мумкинлиги маълум бўлмоқда.

Тилни тийиш ҳақида ҳакимларнг таърифлари:

«Тил инсон аъзолари ичида энг кучлиси ҳисобланар экан»

«Тилни тийишни ўзингга лозим тут, ҳаким бўласан»

«Кимнинг сўзи озуқали, тили ёмон сўзлардан тийилган бўлса, бахтга эришибди».

«Тилни тийишни ўзингга лозим тут, бас албатта у сенга соф муҳаббатни ато этади, оқибатнинг ёмонлигидан сенга паноҳ бўлади ва сенга виқор либосини кийдиради».

«Жоҳиллар билан ўтириб қолсанг ҳам, олимлар билан ўтириб қолсанг ҳам, тилингни тийиб жим тур. Бас албатта жоҳилларнинг олдида тилингни тийиб жим туришинг ҳам, олимлар олдида тилни тийиб жим туришинг ҳам илмда зиёдалиқдир»

«Кимнинг сўзи кўп бўлса, хатоси кўп бўлади».

«Инсон ақлдан жудо бўлса, гапирганда нуқсонга учрайди».

«Тил инсоннинг вазиридир».

Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам бир куни Аббос розияллоҳу анҳуга: «Гўзаллигингиз мени ажаблантиради» дедилар. У киши: «Инсоннинг гўзаллиги нима, эй Аллоҳнинг Росули?» дедилар. Пайғамбар Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унинг тили» дедилар.

Демак, ушбу ҳадисдан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, тил инсоннинг гўзаллиги ҳисобланар экан. Бу гўзал неъматдан бу дунёдаги ҳаётимизда динимиз кўрсатган тарзда фойдаланиб, қайтарганидан қайтиб, гўзал амаллар қилишга ошиқайлик.

Ушбу юқоридаги сатрларда келган маълумотлар динимизда тил ҳақида келган маълумотлар олдида денгиздан бир томчи десак муболаға бўлмайди. Аллоҳ таоло ҳар биримизнинг тилимиздан факат Ўзи ва Унинг Росули Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам рози бўладиган сўзларни сўзлаб, улар қайтарган фаҳш ва беҳуда сўзларни тарк қилиб, қиёматда Ўз жамолини кўришга ошиқиб яшашимизни насиб этсин.

Вассаламу алайкум ва роҳматуллоҳу ва барокатуҳ.

Нажмиддин Ҳасанов тайёрлади

